Куч — адолатда

2015 йил
28 август,
жума
№ 34 (547)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва миллий қонунчиликни такомиллаштиришга, фуқароларнинг қонуний манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш ва юқори малакали юридик кадрларни тайёрлашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист"

Каршиев Хамдам Аликулович — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Ташкулов Акбар Джурабаевич — Сирдарё вилояти Адлия бошқармаси бошлиғи

Узаков Шухрат Шарапович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори

Улжаев Қаҳрамон — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

Эсанова Замира Нормуротовна — Тошкент давлат юридик университетининг "Фуқаролик-процессуал ва хўжалик-процессуал ҳуқуқи" кафедраси мудири

Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун фахрий унвон берилсин:

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси"

Проценко Сергей Николаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғи

Мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

"Меҳнат шухрати" ордени билан

Рустамов Одилхон Бакиевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари

II даражали "Шон-шараф" ордени билан

Ибатходжаев Лазизхон Казимович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Каримов Акбар Абдисамиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Мирходжаев Азимжон Мирхосилович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Саидов Бахтиер Йигиталиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари

Янгибоев Боходир Абдирахмонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

"Дўстлик" ордени билан

Игамова Мунира — Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси

Каипбергенов Ерпулат Тулепбергенович — Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари

Курбанбаев Есет Джамбулович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Куртбитдинов Абиджон Иноятович — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази Қашқадарё вилоятлараро бўлинмаси етакчи эксперти

Очилдиев Сайфиддин Сайилович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус отряди гуруҳ командири

Хабиева Гюльфия Фаридовна — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси халқаро божхона ҳамкорлиги бошқармаси бўлим бошлиғи

Шевелев Антон Анатольевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бўлим катта штурмани

(Давоми иккинчи бетда)

"Мен шу бугундан эътиборан биринчи сентябрни жумҳуриятимизда мустақиллик куни, умумхалқ байрами деб эълон қилишни таклиф этаман". Президентимиз Ислом Каримов ана шу тарихий қарорни тантанавор эълон қилганига 24 йил тўлди. Ўтган йиллар ичида ушбу қутлуғ сана биз учун, том маънода, энг улуғ ва энг азиз айёмга айланди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 17 июлда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, бу йил Мустақиллик байрами юртимизда "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" деган эзгу ғоя асосида кенг нишонланмоқда.

МУСТАҚИЛЛИК – ҒУРУР ВА ИФТИХОРИМИЗ

Албатта, бу бежиз эмас. Зеро, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлига кириши халқимизнинг ҳар томонлама изчил юксалиши ва дунёнинг илғор халқлари билан тенгма-тенг тараққий этиши учун катта йўл очди. Бу, ўз навбатида, юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий ривожланиши, илм-фан равнақи учун мустаҳкам замин яратди.

Мамлакатимизда турли соҳаларда эришилган ютуқлар ҳақида фикр юритишдан олдин, ўтган даврга чуқурроқ нигоҳ ташлаб, мустақиллик остонасида, яъни 1989 йили ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани — Истиқлол йўлида қўйилган илк қадамлардан бири бўлганини қайд этиш муҳимдир.

Сўнгра 1990-1991 йиллари собиқ шўро даврида халқимизга нишонлаш тақиқлаб қўйилган Наврўз байрами қайта тикланди, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари байрам ҳамда дам олиш кунлари деб эълон қилинди. Мустақиллик арафасида, янада аниқроқ айтганда, 1990 йил 24 март куни собиқ иттифоқ республикалари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонда Президентлик лавозими таъсис этилгани ҳам Истиқлолга эришиш йўлидаги мардонавор одим бўлганини бугун катта ғурур-ифтихор билан эътироф этамиз.

Истиқлол йилларида халқимиз эришган ютуқ ва марралар ҳақида сўз борар экан, аввалам-бор, мустақиллик биз учун миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, муқаддас динимизни, буюк аждодларимизнинг табаррук номларини улуғлаш, соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятлар эшигини очиб берганини таъкидлаш лозим.

(Давоми тўртинчи бетда)

Маълумки, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жамиятда қонун устуворлиги ва қонунийлик, адолат принципларини чуқур қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилиб, изчиллик билан такомиллаштириб борилмоқда.

Qonun ijodkorligi

Такомиллашаётган қонунлар

инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда

Яқинда парламент томонидан қабул қилиниб, Президентимиз томонидан имзоланган ва матбуотда эълон қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун бу борада навбатдаги муҳим қадам бўлди. Боиси, ушбу қонунга мувофиқ, амалдаги Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига озодликни чеклаш тариқасидаги янги жиноий жазо турини киритиш, уни тайинлаш ва ижро этиш тартиби ҳамда шартларини белгилашга қаратилган қўшимчалар киритилди. Унинг аҳамияти, мазмун-моҳияти ҳақида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз фикрларини билдиришди.

Д.АБДУҚОДИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси:

— Ривожланган мамлакатларнинг илғор амалиёти ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида жиноят қонунчилиги изчиллик билан босқичма-босқич такомиллаштириб борилмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Сўз — фестиваль иштирокчиларига

Бу санъат анжуманида иштирок этиш – катта шараф

"Шарқ тароналари" Х халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонлари Самарқанднинг тарихий обидалари ва диққатга сазовор жойлари, истиқлол йилларида вилоятда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишмоқда.

ЎзА мухбири улар билан суҳбатлашди.

Эдриэнс СТИВЕНС, *"Native Pride Arts Dancers" жамоаси вакили (АҚШ):*

— "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиш бизга катта мамнуният бағишлайди. Ушбу анжуман иштирокчилари кўплиги ва унинг юксак савияда ташкил этилгани фестивалнинг дунё миқёсида тобора ортиб бораётган нуфузидан далолатдир.

Фестивалнинг Самарқандда ўтаётганида чуқур маъно бор. Самарқанд Шарқнинг қадимий ва гўзал шаҳарларидан бири. Бу ерга келиб буюк меъморий ёдгорликларни кўриб, бебаҳо маданиятингиз билан танишиб, шаҳар манзарасидан завқланиб, Ўзбекистоннинг ҳар томонлама бойлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Самарқанддаги иншоотлар меъморчиликнинг энг мураккаб жиҳатларини ўзида мужассам этган ҳолда, юксак дид ва катта маҳорат билан барпо этилгани бизни лол қолдирди. "Афросиёб" музейида Самарқанд тарихига оид кўплаб экспонатларни кўздан кечириб, бу заминга нисбатан ҳурматимиз ва меҳримиз янада ошди.

Рашми АГАРВАЛ, *"Sufi Music" гуруҳи раҳбари, "Шарқ тароналари" IX халқаро мусиқа фестивалининг Гран-при соҳиби (Ҳиндистон):*

— 2013 йилда ушбу машҳур халқаро фестивалнинг энг юксак совринига сазовор бўлган эдим. Бу воқеа ҳаётим ва ижодимдаги энг бахтли ва унутилмас онлар сифатида хотирамда муҳрланиб қолган. Бу галги иштирокчиларнинг чиқишларини томоша қилиб, икки йил аввал ўзимда ҳис қилган чуқур ҳаяжон ёдимга тушяпти.

(Давоми учинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

"Мардлик" ордени билан

Абдурахимов Сардор Уринбоевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Аминов Кудрат Абдирасулович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

Джурабаев Фарходжон Алишерович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

Нематов Элер Бахрамжонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Холбеков Беҳзод Бошмонович — Давлат божхона қўмитаси Самарқанд вилояти божхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлими бўлинмаси бошлиғи

Эркинов Дониер Эркинович — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Эшматов Алиер Тўхтабоевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

"Жасорат" медали билан

Абдуллаев Окилжон Камолдинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

Абдурасулиев Турсинбай Идаитуллаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Аллазов Дильмурод Тоштемирович — Сурхондарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди йўриқчи-қутқарувчиси

Аллаяров Фаррух Рустамбекович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Арапов Алибек Усеркулович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Астанов Санжар Саматович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ахмедов Мухаммад Мирзажонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Барлибаев Бахром Норжигитович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Бойхуджаев Гайрат Хуснидинович — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлинмаси бошлиғи

Джураев Маъсуд Косимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Жумабоев Темур Махаммадович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

Жумаев Санжар Абдисаламович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Жумаев Ҳаким Хусанович — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Жуманиёзов Ғуломбек Исмайилович — Хоразм вилояти Урганч шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми катта йўриқчиси

Кадирова Дурдонахон Рустамовна — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Қўчқаров Рахмон Бурхонович — Давлат божхона қўмитаси Наманган вилояти божхона бошқармаси "Наманган аэропорт" чегара божхона пости катта тезкор вакили

Мамажонов Анваржон Эргашевич — Фарғона вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бўлинма бошлиғи

Маматожиев Дилмуроджон Тўлқинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Маъмуров Умиджон Эгамназарович — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

Мирзабдуллаев Шавкат Каримжанович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара районы бошлиғи

Нарзикулов Содиқ Камолович — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Нишанов Адхам Ахмаджонович — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Нурмаматов Зафар Мамаражапович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Нуруллаев Тимур Бахриллоевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Разақов Бархаётжон Муротович — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

Расулов Нуриддин Эргашалиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг гуруҳ йўриқчиси

Рахматов Бобир Ғайратович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Рузиев Бекзод Шухратович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара пости бошлиғининг ўринбосари

Рўзиев Шухрат Шокирович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Сатторов Азизжон Абдусаломович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Сирожиддинов Зафар Рустамович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Убайдуллаев Иззатилла Файзулло ўғли — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби мутахассиси

Умирзаков Шухратбек Болтаходжаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Хаитов Бунед Товашарович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ҳошимов Дилшод Қуддусович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Хусанов Тахиржан Бахтиярович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Чоршанбиев Дадахон Аликулович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби мутахассиси

Юнусов Бекзод Хасанович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

"Содиқ хизматлари учун" медали билан

Абдурахимов Туланбой Артикович — Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани давлат солиқ инспекцияси давлат солиқ бош инспектори

Акамуродов Фарход Абдилазизович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби мутахассиси

Акрамов Вохиджон Захиджонович — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси Марказ бошлиғи

Алимов Олимжон Якубджанович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Алламуратов Хожиакбар Файзуллаевич — Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Артиков Марат Урумбаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғи

Аскаров Анвар Алимбаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Асфандияров Равиль Маратович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги хизмати катта муҳандиси

Атаханов Бахром Базарбаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ахмедов Давронбек Юрсуналиевич — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги халқаро-ҳуқуқий бошқарманинг халқаро арбитражлар масалалари бўйича ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари

Бабарахимов Ғуломжон Мадаминович — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Байназаров Дильмурад Нурмаматович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Ганиев Толибжон Валижонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

Давлатов Бекзод Мамасолиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

Дониеров Шерзод Рустамович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби назоратчиси

Дусанов Нурали Шерматович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактаби цикл бошлиғи

Жалолов Миркодир Мирхожиевич — Тошкент шаҳар Миробод тумани ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бошлиғининг ўринбосари

Илесов Махмуд Улмасович — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат фельдъегерлик хизмати муҳим топшириқлар бўйича катта инспектори

Камолов Бобур Камолович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Курбацкий Алексей Александрович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти Марказ бошлиғи

Кутлимуратов Мирза Жуллибаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультети бошлиғининг ўринбосари

Матякубов Аброрбек Низамаддинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби мутахассиси

Мирзаев Сирожиддин Валиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

Муратов Дониер Шодибаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

Муродуллаев Зоиржон Абдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти йўриқчиси

Мусаев Гулямджан Каримович — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Режим ва кадрлар билан ишлаш бош бошқармаси бош мутахассиси

Нураддинов Оринбасар Турсинбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Обидов Баходирхон Мансурхонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби мутахассиси

Рашидов Истам Багирович — Самарқанд вилояти прокуратураси прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бўлими бошлиғи

Рузматов Фарходжон Муродович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма хизмат бош муҳандиси

Саидов Абдусобиржон Абдурахмонович — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш бошқармаси бошлиғи

Саттаров Умиджон Иброхимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бўлим катта офицери

Узаков Аброржон Каримович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

Файзиев Нуралли Фазлиддинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

Хикматуллаев Самандар Юсуфжанович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти кафедра бошлиғи

Шарипов Уктам Нормуминович — Жиззах вилояти Зомин тумани ички ишлар бўлими тергов бўлинмаси бошлиғи

Шорахимов Хакимжон Абдукаюмович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Институти ўқитувчиси

Яхеев Бахтиер Турдибаевич — Навоий вилояти прокурорининг халқаро-ҳуқуқий масалалар бўйича катта ёрдамчиси

"Шухрат" медали билан

Абдуллаева Дилдора Кабилджановна — Тошкент шаҳар Чилонзор тумани адвокатлар ҳайъати адвокати

Адашбоев Бахриддин Мехриддинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

Бабаязов Равшан Шарипович — Хоразм вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи

Бобожонов Отагалди — Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти суди судьяси

Боймирзаев Адхамжон Акрамович — Наманган вилояти Чортоқ тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

Ботирова Умидахон Хамражоновна — Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани прокуратураси катта нозири

Бурханов Илхом Халбутаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлинма бошлиғи

Вагнер Александр Яковлевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим катта офицери

Гулов Дилшод Дилмуродович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони милиционери

Ельчин Евгений Евгеньевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Жамалов Илхомжон Тулқинович — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Чортоқ тумани кенгаши раиси

Зарипова Гаухар Сарсенбаевна — Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди судьяси

Ибрагимов Илхам Искандарович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳ командири

Ибрагимова Дилорам Ахмедовна — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Каримов Азамат Саъдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Қоплонов Шомурод Баротович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Курбанов Мансур Нарбутаевич — Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармаси профилактика катта инспектори

Кучкарова Дилфуза Насретдиновна — Қашқадарё вилояти прокурорининг воягa етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўйича катта ёрдамчиси

Кучкоров Зухриддин Очилович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм мутахассиси

Маликов Хаким Каримович — Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани суди раиси

Мамиталиев Мухриддин Рахмидинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби дивизион командири

Мартинова Марина Сергеевна — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг молия-хўжалик бўлими бошлиғи

Махмудов Иброхим Бустонович — Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани маҳалла фуқаролар йиғини "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси раҳбари

Муминов Рахматилла Холмаматович — Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани маҳалла фуқаролар йиғини "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси раҳбари

Мусаев Қобилжон Қаюмович — Фарғона вилояти прокуратураси судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори

Мухамедов Батир Кахраманович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мухамедова Зебинисо Иброхимовна — Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Пиримкулов Элмурод Норзуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмат катта муҳандиси

Попандопуло Светлана Константиновна — Тошкент шаҳар Яшнобод тумани прокурорининг катта ёрдамчиси

Разаков Ойбек Олимжонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Рахманова Дилрабо Шариповна — Урганч ҳарбий-академик лицейининг ўқитувчиси

Рахматов Алишер Хамедович — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлинмаси бошлиғи

Рахматов Зафар Туйчиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ катта механиги

Рузиев Аслиддин Иззотуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисми гуруҳ командири

Суяров Навруз Абдакимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта техниги

Тураев Саттор Туфлиевич — Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди йўриқчи-қутқарувчиси

Ҳайдаров Мурод Мардонович — Бухоро вилояти Когон тумани маҳалла фуқаролар йиғини "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси раҳбари

Хакимов Жамшид Мамаджанович — Сурхондарё вилояти Узун тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

Хакимов Мухторжон Махмуджонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Халилова Моҳира Садирдиновна — Навоий вилояти Навбаҳор тумани фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудираси

Хасанова Мамура Урмановна — Тошкент вилояти Оҳангарон тумани давлат солиқ инспекцияси давлат солиқ бош инспектори

Худойкулов Фарход Эшкувватович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ секция командири

Шойзаков Иброҳим Тиллабердиевич — Жиззах вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи

Эргашев Восилжон Юнусович — Фарғона вилояти Бешариқ тумани давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи

Эримбетов Мансур Худайберганович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Эрматов Эркинбай Каршибаевич — Суд ижрочиларининг Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар бўлими бошлиғи

Юсуфхўжаев Иззатиллахон Умидулла ўғли — Давлат божхона қўмитаси Тошкент шаҳар божхона бошқармаси "Бош почтамт" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости бошлиғи

Якибжанов Хамид Гадигарбекович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бўлим бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 27 август

Qonun ijodkorligi

Такомиллашаётган қонунлар

инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Хусусан, ўтган даврда ўлим жазоси бекор қилинди, "Хабеас корпус" институти амалиётга жорий этилди, жиноий жазолар либераллаштирилди.

Айтиш керакки, амалдаги қонунчиликка киритилган энг охирги муҳим ўзгартишлардан бири — бу иш ҳолатларига кўра, (шахснинг ижобий тавсифланиши, унинг ёши, оилавий аҳволи ва ҳоказо) шахсга нисбатан қамоққа олиш мақсадга номувофиқ, деб топилган тақдирда қўлланиладиган уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг киритилишидир. Мазкур чора тергов давомида айбланувчиларни ёпиқ муассасада жамиятдан ажратмасдан ғайриқонуний ҳаракатларининг олдини олишга, шунингдек, уларнинг қамоқда сақлаш жойларидаги жиноий элементларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Мазкур қонунни ишлаб чиқишда қўмитамиз аъзолари, сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳи вакиллари, давлат органлари мутахассислари, экспертлар фаол иштирок этди. Германия, Испания, Хитой, Жанубий Корея каби давлатларнинг бу борадаги тажрибалари чуқур ўрганилди. Аниқландики, юқоридаги каби ҳолатларда озодликдан маҳрум қилишнинг самарали ва инсонпарвар муқобил тури сифатида озодликни чеклаш тариқасидаги жазо чораси кенг қўлланилмоқда. Кези келганда яна шуни айтиш керакки, БМТнинг 1990 йил 14 декабрдаги "Қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларга нисбатан Минимал стандарт қоидалар ҳақида"ги Резолюцияси ҳам қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган янги чораларни ишлаб чиқишни қўллаб-қувватлайди.

Т.АБДУСАТТОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:

— Қабул қилинган янги қонун талабига кўра, озодликни чеклаш тариқасидаги жазо суд томонидан маҳкумга нисбатан уй-жойни тарк этишга тўлиқ тақиқ ёки сутканинг муайян вақтида уй-жойдан чиқишга чеклов ўрнатиш ҳамда унинг устидан тегишли назоратни амалга ошириш сифатида қўлланилади.

Хусусан, иш ҳолатлари, маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда, суд мазкур турдаги жазони тайинлашда оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказиладиган жойларга бориш ҳамда уларда иштирок этиш, муайян маъмурий ҳудуд доирасида маҳкумнинг ҳаракатланиши эркинлиги, муайян шахслар билан мулоқотда бўлиш ва алоқа воситалари, шу жумладан, интернет ва бошқалардан фойдаланишни чеклаб қўйиши мумкин.

Шу маънода озодликни чеклаш дастлабки тергов босқичида қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган, шу жумладан, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чоралари қўлланилган судланган шахсларга қўлланилган жазонинг мувофиқлигини таъминлашнинг самарали жиноий-ҳуқуқий механизми ҳисобланади.

В.ЦВЕТКОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси:

— Янги қонунга мувофиқ, озодликни чеклаш тариқасидаги жазо таснифланди ҳамда унинг муддатлари аниқ кўрсатиб ўтилди. Жумладан, озодликни чеклаш тариқасидаги жазо озодликдан маҳрум қилиш кўзда тутилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган (уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш) ҳамда унча оғир бўлмаган (уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш) жиноятларга нисбатан қўлланилади.

Бундан ташқари Жиноят кодексининг 57-моддасига кўра, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб (қилмишнинг хусусияти, айбдорнинг шахси, етказилган зарар қопланган иқтисодий жиноятлар ва ҳоказо) суд бошқа турдаги жиноятлар бўйича ҳам озодликни чеклаш тариқасидаги жазони тайинлаши мумкин.

Ўз навбатида, озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг ҳарбий хизматчиларга, чет эл фуқароларига ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилмаслиги белгилаб қўйилди. Бу эса, жазонинг одиллиги ҳамда жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини таъминлайди. Оилавий алоқаларнинг сақланиб қолиниши ва маҳкумларнинг ижтимоий мослашувига шароит яратади. Озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги шахслар миқдори камайиши, халқаро стандартларни миллий қонунчиликка янада имплементация қилишда муҳим ўрин тутади.

Хулоса қилиб айтганда, жиноий жазо тизимининг янада либераллаштирилгани, аниқроқ айтганда, озодликни чеклаш тариқасидаги жазо турининг амалга жорий этилгани айбдорни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан қайта тарбиялаш, уни нисбатан енгил, аммо таъсирчан усул орқали соғлом турмуш тарзига қайтариш ҳамда оила бағрида ўз қилмишининг салбий оқибатларини тўлиқ англаб етиши ва тўғри хулоса чиқариб олишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Бу, албатта мамлакатимизда инсонпарварлик, одиллик ва адолат каби умумэътироф этилган тамойилларга тўлиқ риоя этилаётганининг амалий тасдиғидир.

Дилфуза РАҲИМБЕКОВА тайёрлади.

Сўз — фестиваль иштирокчиларига

Бу санъат анжуманида иштирок этиш – катта шараф

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жаҳон мусиқа санъати ва турфа халқлар маданиятини намоён этиш, турли миллатлар ва элатлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ришталарини, уларнинг қалбларида аҳиллик ва бирдамлик каби эзгу фазилатларни мустаҳкамлашга имконият яратаётгани учун Ўзбекистон раҳбариятидан ғоят миннатдормиз. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган, дунёда тинчлик ва тотувликни таъминлашга улкан ҳисса қўшаётган бундай хайрли ишлар мамлакатингизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътибори ва нуфузи янада юксалишига хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда санъатни ривожлантириш ва тарғиб этиш, соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлардан ўрнак олса арзийди.

Илга РЕЙЗНИЭСЕ, *"Илги" гуруҳи аъзоси (Латвия):*

— Самарқандга келишимиз билан "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг нечоғли нуфузли ва йирик анжуман эканини яна бир бор ҳис этдик. Бу ерда иштирокчиларга кўрсатилаётган иззат-икром таҳсинга лойиқ. Фестиваль меҳмонлари ва қатнашчилари учун барча шароит яратилган. Бу мамлакатингизда Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ижод аҳлининг фаолияти учун кенг йўл очиб берилганидан далолатдир.

Жаҳонаро шуҳрати ошиб бораётган ушбу санъат анжуманида ўз ижодимизни намойиш этиш биз учун катта шараф. Танловда скрипка, кокле, мешли найчалар, гитара, электр бас ва зарбли чолғулар уйғунлиғида ижро этиладиган, қадимий ва бир вақтнинг ўзида замонавий мусиқий услубларни жамлаган куй-қўшиқларимиз барча ёшдаги томошабинлар кўнглидан жой олади, деган умиддамиз.

Фестивалда қатнашиш асосида Шарқ гавҳари бўлмиш Самарқандни, унинг дунёда ном таратган бебаҳо меъморий обидаларини томоша қилиш имконига эга бўлганимиздан қувончимиз чексиз. Бу шаҳарнинг ҳар бир қарич ери тарихий ва гўзалдир. Замонавий ва миллий руҳни уйғунлаштирган ҳолда бунёд этилган муҳташам иншоотлар ва кўркам биноларни, серфайз хиёбон ва сайилгоҳларни томоша қилиб тўймайсан киши. Айниқса, бетакрор Регистон ансамбли қалбимда шу қадар катта ҳайрат уйғотдики, ҳисларимни таърифлашга сўз тополмайман.

Махиде ЛЕИН, *"Ahoi Artists and Events" агентлиги менежери (Германия):*

— "Шарқ тароналари" фестивали халқаро миқёсда ўтказилаётган йирик маданий тадбирлардан. Мазкур анжуман глобаллашув жараёнида дунё халқларининг миллий мусиқа мероси, санъатини асраб-авайлаш ва тарғиб этишга хизмат қилмоқда. Ер юзининг турли қитъаларидан келган санъаткорлар Самарқандда бир-бирлари билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлаётир.

2013 йилда мен менежерлик қилган Шимолий Африка ва Бразилиядан тўпланган ёшлардан иборат "Ланая" гуруҳи мазкур танловда биринчи ўринни қўлга киритган эди. Бу гал зимбабвелик санъаткорлар билан ташриф буюрдим. Умид қиламанки, уларнинг иқтидори ҳам барчага манзур бўлади.

Ўнинчи бор ўтказилаётган "Шарқ тароналари"га бу гал янада катта тайёргарлик кўрилганига гувоҳ бўляпмиз, анжуман ғоят ўзгача, юксак савияда ўтмоқда.

Сохрабуддин МОНДАЛ, *Бангладеш Шилпакала академияси директори:*

— Машҳур Регистон майдонида ўз санъатимизни намойиш этиш имкониятига эга бўлганимиздан жуда бахтиёрмиз. Бу онларни узоқ интиқиб кутгандик. Майдондаги улкан амфитеатр киши қалбини ҳаяжонга солади. Улуғбек, Шердор, Тиллакори мадрасалари, қадим минора ва нилий гумбазлар ранго-ранг чироқлар ёғдусида жилоланади.

Ўзбекистонда барча соҳалар қатори санъат ҳам юксак даражада ривожланган. Ўзбек мумтоз куй-қўшиқлари, жозибадор миллий рақслари дунё аҳлини ўзига мафтун этмоқда. Гўзаллик ва нафосатни ўзида мужассам этган наволарингизга меҳримиз тушган. Халқингизнинг фаровон ҳаёти, мамлакатингизда ҳукмрон обод турмуш тарзи, осуда ҳаётга чин дилдан ҳавас қилдик.

Шаина СНАЙДЕР, *иштирокчи (АҚШ):*

— Санъат ҳамиша инсонларни эзгуликка, бағрикенгликка чорлаб келган. "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали дунёнинг турли мамлакатидан келган санъаткорлар ижросидаги миллий куй-қўшиқларни тинглаш баробарида ўз ижодий ишларимизни ҳам намойиш этиш имконини бераётир. Ушбу танлов учун махсус дастур тайёрлаб келганмиз. Мазкур фестивалда иштирок этиш биз учун катта шараф.

Самарқанднинг гўзал табиати, ям-яшил боғу роғлари, сержило фавворалари ҳамда халқингизнинг улкан яратувчанлик салоҳиятини намоён этувчи минора ва мақбараларни томоша қилиб, ҳузур қилмоқдамиз.

Килема РАНДРИАНАНТОАНДРО, *"Такидеда" гуруҳи ижрочиси, "Шарқ тароналари" VIII Халқаро мусиқа фестивали совриндори (Мадагаскар):*

— Азалдан фан ва маданият гуллаб-яшнаган мустақил ва обод юртингизда миллий мерос, анъана ва қадриятлар юксак қадр топаётир. "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ҳам ана шу эзгу мақсадлар йўлида ташкил этилган. Мазкур анжуманга ҳар гал келганимда унинг ўзига хослиги ва жозибасидан, юртингизнинг фусункор тароватидан баҳра оламан.

Самарқанд тарихий обидаларга жуда бой шаҳар. Бир неча асрларга гувоҳ осори-атиқалар ҳозирга қадар ўз кўркамлиги ва салобатини йўқотмагани аждодларингиз беназир ақл-заковат, юксак салоҳият соҳиби бўлганини намоён этиб турибди. Регистон ансамбли, Бибихоним масжиди, Амир Темур мақбарасини зиёрат қилиб, руҳий қувват олдик.

Андре ГАБРИЕЛЬ, *созанда (Франция):*

— "Шарқ тароналари" фестивали миллий санъатни намойиш этишга кенг имконият яратаётгани, иштирокчилар сонининг кўплиги ва жўғрофиясининг ғоят кенглиги билан бошқа халқаро танловлардан ажралиб туради.

Бетакрор Регистон майдонида миллий наволаримизни ижро этаётганимиздан қалбимиз фахр-ифтихорга тўлмоқда. Самарқандда ўтаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалига бутун жаҳон жўр бўлаётгандай гўё. Биз ер юзининг турли минтақаларидан келган санъаткорлар билан танишдик. Гарчи бошқа-бошқа тилларда сўзлашсак-да, мусиқа воситасида самимий мулоқот қилиш имконига эгамиз.

Самарқандни кўришга орзумандлар Франциядa ҳам кўп. Мен ҳам уни кўриш ниятида эдим. "Шарқ тароналари" туфайли орзуим ушалганидан жуда бахтиёрман.

ЎзА мухбири Ирода УМАРОВА ёзиб олди.

Xabar

Ислоҳотлар инсон манфаатларига хизмат қилмоқда

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ортиб, мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори тобора юксалишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу жараёнда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият асослари янада мустаҳкамланди. Замонавий демократик талабларга жавоб бера оладиган суд тизими шакилланди.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва унинг самараларига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази директори Н.Жўраев, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси Х.Ёдгоров ва бошқалар истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепцияси амалиётга жорий этилганини таъкидлади. Судлар фаолияти такомиллашиб, жиноят процессида шахс ҳуқуқларини кафолатлашнинг мустаҳкам асослари яратилди. Шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имкониятлари кенгайтирилди.

Жиноий жазолар тизимини либераллаштиришга доир чора-тадбирлар натижасида жиноятлар таркибининг 75 фоизга яқини ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилгани катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Ярашув институти жорий этилгани ишларни тезкор ва самарали ҳал қилишга йўл очиб, жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишига замин яратди.

Мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилингани, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга берилгани инсон ҳуқуқ ва манфаатларини юксак даражада таъминлашга хизмат қилаётир. Шахсни лавозимидан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштиришдек процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқи ҳам прокуратурадан судларга ўтказилгани бунинг мантиқий давоми бўлди.

Прокурор ва адвокатнинг суд жараёнида тенглиги тамойили қонун асосида мустаҳкамланди. Жиноят процессуал конунчилигига уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси киритилди.

Кассация инстанцияси ислоҳ қилинди, ишларни қайта кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилди. Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни яхшилаш, судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар, хусусан судьяликка номзодларни танлаш ва лавозимга тавсия этишнинг изчил механизми яратилди.

Соҳадаги босқичма-босқич ислоҳотлар самарасида 2014 йилда озодликдан маҳрум қилинган шахслар 2000 йилга нисбатан икки баробар камайди.

Фуқароларнинг судларга ишончи ортиб бораётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Буни судларга мурожаатлар ортиб бораётганида кузатиш мумкин. 2013 йилда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 173 мингдан зиёд иш кўрилган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 217 мингдан ошган.

Соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилаётгани ишларни кўриб чиқиш тезлиги ва сифати ортишига олиб келмоқда.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Муаттар РЎЗИБОЕВА

Islohot va samara

Малакали юридик ёрдам

фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясини тўлиқ таъминлашнинг муҳим воситасидир

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришлар, хусусан, адвокатура институтининг мавқеи ва нуфузини ошириш борасидаги муҳим чора-тадбирлар, энг аввало, адолат тамойилларига асосланган демократик ҳуқуқий жамият барпо этиш, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилаётгани билан алоҳида эътиборга молик.

Эътиборлиси шундаки, фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олиш, адвокат ҳимоясидан фойдаланиш каби ҳуқуқлари Асосий қонунимизда алоҳида мустаҳкамлаб қўйилган. Зотан, шахсни ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаш жиноят процессида қонунийликнинг зарурий шарти бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

- қонунчиликда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларининг белгиланиши;

- жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг зиммасига шахсни ҳимояланиш ҳуқуқларидан хабардор қилиш, улардан амалда фойдалана олиши учун зарур ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш мажбуриятларининг юклатилиши;

- жиноят процессида юзага келадиган ҳимояга оид бошқа муносабатлар.

Албатта, юртимизда фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олиш, адвокат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи изчил таъминланиши баробарида адвокатура тизимида ҳам ғоятда муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, 2008 йил 31 декабрда қабул қилинган "Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасида жиноят ишида ҳимоячи сифатида фақат махсус юридик билимга ва касбий тажрибага эга бўлган шахслар, яъни адвокатлар иштирок этиши алоҳида мустаҳкамлаб қўйилди.

Шунингдек, мазкур қонунга биноан Жиноят-процессуал кодекснинг 48-моддаси биринчи қисми янги таҳрирда қабул қилинди. Унга кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи ўзининг ушлаб турилгани, қамоққа олингани ва турган жойи тўғрисида адвокатига ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш, ҳимоячи билан учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда учрашиш, кўрсатмалар беришдан бош тортиш, кўрсатмаларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш ҳуқуқларга эга бўлди.

Бундан ташқари ушбу кодекснинг 224-моддасига кўра, ушлаб турилган шахсга малакали юридик ёрдам олиш билан боғлиқ процессуал ҳуқуқларни тушунтириш ва уларни амалга ошириш учун имконият яратиш уни ушлаган шахсларнинг мажбуриятлари этиб белгиланди. Ҳимоячига иш юритишнинг исталган босқичида, шахс ушланганида, унинг ҳаракатланиш эркинлиги амалда чекланган пайтдан бошлаб ишда иштирок этишига рухсат бериладиган бўлди.

Мазкур ҳуқуқий меъёрлар белгилангунига қадар қонунда ҳимоячи иштирокини таъминлаш муддатлари кўрсатилмаган эди, 2009 йилдан бошлаб бу талаб ҳимоячи тайинлаш тўғрисидаги дастлабки тергов органи қарори ёки суд ажрими Ўзбекистон Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармасига келиб тушгач, тўрт соатдан кечиктирмай бажарилиши шартлиги белгиланди. Ҳимоячидан воз кечилганлик ҳолати адвокат томонидан тасдиқланишига, у ўз ҳимояси остидаги шахс билан холи учрашганидан кейин йўл қўйиладиган бўлди. Ушбу ҳуқуқий ҳолат Жиноят-процессуал кодексининг 51-моддасида белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари ҳимоячининг процессуал ҳуқуқлари кенгайтирилиб, унга ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш йўли билан далилий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни тўплаш; шахс ушланган вақтдан ишга киришганида жиноят иши қўзғатиш, ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорлар билан шу вақтнинг ўзида танишиб чиқиш ҳуқуқлари алоҳида белгилаб қўйилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Iftixor

Мустақиллик – ғурур ва ифтихоримиз

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Давлатимиз раҳбарининг ҳар томонлама чуқур ўйланган, жаҳон тажрибаси ва мамлакатимизнинг ички имкониятларидан келиб чиқиб, амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий сиёсати — тараққиётнинг "ўзбек модели" халқимизни мустақилликнинг илк йилларидаги қийинчиликлардан, моддий ва маънавий бўҳронлардан эсон-омон, беталафот олиб ўтди. Ана шундай кенг кўламда олиб борилган ислоҳотлар натижалари бугун барча соҳаларда эришилаётган бетимсол ютуқларимизда намоён бўлмоқда.

Мамлакатимиз ўтган аср охирида кескин ижтимоий муаммолар гирдобига тушиб қолган, аҳолининг ҳаёт даражаси бўйича собиқ иттифоқда энг охирги ўринлардан бирини эгаллаган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олган, иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган, аграр республикадан бугунги кунда саноати тез суръатлар билан ўсиб, иқтисодий қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган замонавий давлатга айланганини бутун дунё эътироф этмоқда.

Эндиликда юртимизда юксак технологияларга асосланган кўплаб замонавий корхоналар фаолият юритмоқда. Ўзбекистон автомобилсозлик, нефть ва газни қайта ишлаш, телекоммуникация ускуналари, маиший электроника маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида тараққий этган мамлакатлар билан бўйлашмоқда. "Made in Uzbekistan" белгиси туширилган маҳсулотлар халқимиз эҳтиёжини тўла таъминлаб, дунё бозорига ҳам чиқарилмоқда.

Жаҳон миқёсида глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамасдан, саноқли мамлакатлар қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари кейинги ўн йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келаётгани ривожланган давлатларнинг ҳам ҳавасини тортмоқда.

Ўтган даврда иқтисодиётимизда туб демократик ва бозор ислоҳотларининг амалга оширилгани, хусусий мулкка кенг йўл очиб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерликни ривожлантириш учун қулай шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратиш, хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилингани муҳим принципиал аҳамиятга эга бўлди.

Эришилган улкан ютуқлар замирида ўз тажассумини топган яққол ҳақиқат шуки, истиқлол шарофати билан баркамол авлод орзуси халқимиз учун энг эзгу мақсадга, таъбир жоиз бўлса, энг эзгу мақсадга айланди. Бугун барча эзгу ишларимиз бошида элюрт келажагига бевосита дахлдор ана шу масала турибди. Маънан бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш истиқлол сиёсатининг узвий қисми ҳисобланади.

Ҳеч шубҳасиз, вақт ўтиши билан тобора ёрқин намоён бўлаётган, биз биринчилар қаторида амалга оширган ва давом эттираётган, дунёда катта қизиқиш уйғотаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури, бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия соҳасига энг устувор аҳамият берганимиз мамлакатимизнинг катта суръатлар билан барқарор ривож топишида ва юртимизнинг дадил қадамлар билан илгарилаб боришида мустаҳкам замин яратди.

Юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга чирой очиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, аҳолининг асосий қисми яшайдиган қишлоқ жойларида муносиб турмуш шароитини яратиш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган дастурлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Ҳақиқатан ҳам, Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида янгидан-янги таълим масканлари, маданият ва спорт саройлари, шифохона ва кутубхоналар, банк ва турли замонавий офисларнинг бир-биридан муҳташам бинолари, намунали уй-жойлар ва қулай инфратузилма иншоотлари қад ростлади. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди.

Оила мустаҳкамлигини таъминлаш, аёлларнинг оила ва жамиятда тутган роли ва ижтимоий мақомини ошириш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида аёллар фаолиятини кучайтириш, уларни иш билан таъминлаш, ижтимоий-маиший шароитларни яхшилаш орқали уларнинг уй меҳнатини енгиллаштириш бўйича амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Буларнинг барчаси, авваламбор, халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган даражада муносиб ҳаёт кечиришида катта аҳамият касб этмоқда. Айни чоғда, бу улкан марралар юртдошларимизнинг маънавияти юксалишида, халқимиз, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод бугунги саодатли кунларга шукроналик ва фахру ифтихор, эртанги ёруғ келажакка комил ишонч руҳи билан яшашида муҳим омил бўлмоқда.

Айниқса, халқимиз юрак-юрагига сингиб, ҳаётининг мазмунига айланиб кетган "Бизга тинчлик ва омонлик керак" деган эзгу даъват барчамизни ҳамиша огоҳ бўлишга чорлайди. Негаки, бугун турли минтақаларда рўй бераётган нохуш воқеалар келтираётган аянчли оқибатлар ва ўша ҳудудларда тинчлик ўрнатиш осон бўлмаётганини, боз устига, тинчлигимизга таҳдид солиши мумкин бўлган хавф-хатарлар мавжудлигини ҳам кўриб, билиб турибмиз.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик — бизнинг ғурур ва ифтихоримиз! Истиқлолимиз билан нафақат фахру ифтихор этиш, айни чоғда уни асраб-авайлаш, таъбир жоиз бўлса, "Мустақиллик менга нима берди деб эмас, аксинча, мен мустақилликни мустаҳкамлаш учун нималар қила олдим", деган эзгу даъват билан яшаш ҳаммамизнинг виждоний бурчимиз бўлиб қолиши лозим.

Зотан, бугун Ўзбекистонда туғилиб, вояга етаётган ёшларимизнинг ҳар бири ўз ҳаётини, келажагини мана шу буюк ва муқаддас, бетакрор Ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги билан уйғун кўради. Халқимиз осуда, хотиржам ва саодатли ҳаётимизнинг қадрига етиб, уни янада зиёда қилишни кўнглидаги энг тоза ва покиза ният, деб билади.

Ўз навбатида, халқимиз қалбидаги шукроналик, бунёдкорлик ва ёруғ келажакка юксак ишонч туйғулари, юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва барқарорлик, тараққиёт ва юксалиш — буларнинг барчаси Истиқлол шарофати, Юртбошимиз раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ички ва ташқи сиёсат самараси эканининг холис эътирофи ҳамдир.

Бобомурод РАЙИМОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Айтинг-чи, судлар фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни ҳал этаётганда, қариндошликнинг қай даражада яқинлигига эътибор берадими?

Нигора МАЖИДОВА,
Тошкент вилояти, Зангиота тумани

— Оила кодексининг 154-моддасида фарзандликка олишда устунлик ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати белгилаб қўйилган. Унга кўра, фарзандликка олишда қуйидагилар устунлик ҳуқуқига эга бўладилар:

- турар жойидан қатъи назар фарзандликка олинувчининг қариндошлари;
- фарзандликка олинувчи бола оиласида яшаётган шахс;
- ака-ука, опа-сингилларни улар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини бузмасдан фарзандликка олаётган шахслар;
- ўгай ота ва ўгай она;
- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;
- касаллик, бахтсиз ҳодиса оқибатида фарзандларидан ажралган шахслар.

Қонундаги ушбу меъёрдан кўриниб турибдики, сиз акангизнинг фарзандини фарзандликка олишда янгангизнинг амакиси қизига нисбатан устун ҳуқуққа эгасиз.

Қишлоғимизнинг ёнидан темир йўл ўтган. Поездлар узлуксиз қатнаб туради. Шундай бўлсада, айрим кишилар темир йўл ёқасида мол боқиб юрганига гувоҳ бўлганман. Айтинг-чи, бундай шахсларга нисбатан амалдаги қонунчилигимизда қандай жавобгарлик белгиланган?

Қобилжон ЭСОНОВ,
Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 113-моддаси иккинчи қисми талабига биноан, темир йўлдан от-арава ҳайдаб ўтиш ва чорва молларни ҳайдаб ўтиш, чорва молларини темир йўл яқинида боқиш қоидаларини бузиш — энг кам иш ҳақининг бешдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур модданинг тўртинчи қисмига кўра, темир йўлларни белгиланмаган жойлардан кесиб ўтганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, бундай шахсларга нисбатан энг кам иш ҳақининг йигирмадан бир қисми миқдорида жарима жазоси қўлланилади.

Айтинг-чи, амалдаги қонунларимизда божхонадан ўтиш тартиб-қоидаларини бузган шахсларга нисбатан қандай жазо қўлланиши белгиланган?

Жамила СОДИҚОВА,
Тошкент шаҳри, Сергели тумани

— Божхона кодексининг 132-моддасида божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қуйидаги жазолар берилиши белгилаб қўйилган: жарима; божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилишини содир этиш қуроли ёки бевосита ашёси ҳисобланган товарлар ва транспорт воситаларини мусодара қилиш.

Товарлар ва транспорт воситаларининг қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқиладиган жарима миқдорини аниқлаш чоғида, бундай қиймат деб уларнинг ҳуқуқбузарлик аниқланган кундаги эркин (бозор) нархи тушунилади.

Юридик шахс ёки юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахс божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бир неча марта бузган тақдирда, ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун алоҳида-алоҳида жарима тайинланади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун тадбиркорлик субъектининг охирги ҳисобот саналсидаги жорий активлари суммасининг жами йигирма фоизидан ортиқ миқдордаги тўланмаган божхона тўловларини ва қўлланилган иқтисодий жазо чораларини ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида ойма-ой бўлиб тўлаш имкони берилган ҳолда амалга оширилади.

Айтиш керакки, жазо берилиши жавобгарликка тортилаётган шахсларни бож тўловларини тўлаш ва ушбу кодексда назарда тутилган бошқа талабларни бажариш мажбуриятидан озод этмайди.

Айтинг-чи, фуқаролик қонун ҳужжатлари ҳам орқага қайтиш кучига эгами?

Нурилло САИДОВ,
Самарқанд вилояти, Ургут тумани

— Йўқ, фуқаролик қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас. Жумладан, амалдаги Фуқаролик кодексининг 4-моддасида қайд этилганидек, фуқаролик қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин вужудга келган муносабатларга нисбатан қўлланилади.

Саволларга Олий суд бўлим бошлиғи Абдурасул ЭРАНОВ жавоб берди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди жамоаси Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяси Акмэл Жонқобиловга онаси

Иззат ая ШОЙМАРДОНОВАнинг

вафот этгани муносабати билан таъзия билдиради.

Islohot va samara

Малакали юридик ёрдам

фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясини тўлиқ таъминлашнинг муҳим воситасидир

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Айтиш керакки, адвокатнинг ҳимоя нутқи жиноят ишлари бўйича судда ҳимоячи иштирокининг энг асосий нуқтаси ҳисобланади. Ҳимоя нутқида адвокатнинг дастлабки тергов ва суд босқичида олиб борган ишлари ўзининг мантиқий якунини топади.

Ҳимоя нутқи муайян тарзда процессуал шаклга эга бўлиб, айбланувчини оқловчи ёки унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлашга ва айбланувчига зарур юридик ёрдам кўрсатишга йўналтирилган процессуал фаолиятни ўзида акс эттиради.

Маълумки, суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ судларда ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий қилинди. Қонуний кучга кирган суд қароридан норози бўлган шахс ўз ҳуқуқларини кассация инстанцияси суди мажлисида ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Ҳимоя билан айблов ҳуқуқий жиҳатдан тенглаштирилди.

Мамлакатимизда одил судловни амалга оширишда, айбланувчи, гумон қилинувчининг ҳимоя ҳуқуқини таъминлашда аҳолининг кам таъминланган қатламига бепул юридик ёрдам олиш ҳуқуқи ҳам қонунда кафолатланган. Адвокатларга фуқароларга кўрсатган юридик ёрдами учун бериладиган ҳақ давлат бюджети ҳисобидан қопланаётгани ҳам ҳуқуқий-демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизда инсонни қадрлаш, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш орқали одил судлов самарадорлигига эришилаётганидан далолат беради.

Ў.МАШАРИФОВ,
жиноят ишлари бўйича Янгиариқ тумани судининг раиси

Аввало шуни айтиш керакки, ҳаётда қонун талабига қатъий риоя этган ҳолда фаолият юритган киши ҳеч қачон кам бўлмайди. Жумладан, амалдаги қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиқиб уй-жой қурган киши, ҳеч шубҳасиз, ўзининг меҳнати самарасини кўради, янги уйида оиласи билан хотиржам яшайди. Аммо ҳаётда қонун талабини писанд қилмай ўзбошимчалик билан иморат қуришга уринадиган кимсалар ҳам, афсуски, учраб туради.

Qonun barchaga barobar

Қимматга тушган ўзбошимчалик

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, амалдаги қонунларимизда бундай ўзбошимчаликка нисбатан қандай жавобгарлик белгиланган? Бу саволга жавобан шуни айтиш керакки, амалдаги Фуқаролик кодексининг 212-моддасида қайд этилганидек, белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш меъёрларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бино, иншоот, шунингдек, бошқа кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган, деб ҳисобланади.

Ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвоси билан бундай иморат суднинг қарорига биноан иморат қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши лозим.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга эътибор қаратсак, Термиз шаҳрида яшайдиган А.Менглиев ана шундай ўзбошимчаликка қўл урган кимсалардан бири саналади. Термиз шаҳар, Сароймулкхоним кўчасидаги кўп қаватли 26-уйнинг 13-хонадонида оиласи билан яшаб келаётган Абдуғани Менглиев шу уйнинг атрофидаги умумий фойдаланишда бўлган ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб олади ва ундан қўшимча бинолар, тўсиқ деворлардан иборат қурилишларни амалга оширган ҳолда фойдаланиб келади.

Албатта, А.Менглиевнинг бундай ўзбошимчалиги ҳеч кимга ёқмади. Шу боис маҳалла-кўй, қўни-қўшнилар уни инсофга чақиришди, аммо бундан бирон-бир натижа чиқмади. Яъни А.Менглиев ўз билганидан қолмади.

Шундан сўнг Термиз шаҳар ҳокимлиги А.Менглиевнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига қонуний баҳо беришни сўраб, судга даъво аризаси киритди.

Албатта, суд томонларнинг тушунтиришларини тинглаб ҳамда тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, ҳақиқатдан ҳам, ер майдонида жавобгар томонидан қурилган қўшимча бинолар учун зарур рухсатнома олинмаган, архитектура ва қурилиш қоидаларига риоя қилинмаган, деган хулосага келди.

Суд қонун талабларидан келиб чиқиб, Абдуғани Менглиев томонидан ноқонуний равишда қурилган биноларни мажбурий тартибда жавобгар ҳисобидан буздириб ташлаш ҳамда ерни тартибга келтириш хусусида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқадиган хулоса шундан иборатки, ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этилаётган юртимизда ҳар бир ноқонуний хатти-ҳаракатнинг оқибати шундай якун топади. Зеро, Асосий қонунимизнинг 20-моддасида белгилаб қўйилганидек, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

Раҳматулла ҒУЛОМОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судининг раиси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шоюнус ГАЗИЕВ
Светлана АРТИКОВА
Қўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (8 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@oliysud.uz
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-822. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 8234.
1 2 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22⁰⁰